

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 13 » декабрь 2019 у.

№ 994

Toshkent sh.

**Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПҚ–4135-сон ва “Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарорининг 9-банди 5-хатбошисидан “шунингдек, товарлар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлаш қоидаларини” сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Ганиев ва Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Асосий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни олиш учун мурожаат этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаш (кейинги ўринларда сертификатлаш деб аталади) – Ўзбекистон Республикасидан экспорт ва реэкспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни бериш, гувоҳлантириш орқали товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш мақсадида экспертиза ўтказиш жараёни;

товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат (кейинги ўринларда сертификат деб аталади) – товарларнинг келиб чиқиш мамлакати тўғрисида аниқ далолат берувчи ҳужжат, шу жумладан электрон шаклдаги ҳужжат;

ваколатли орган – зиммасига Ўзбекистон Республикасидан экспорт (реэкспорт) қилинаётган товарларга сертификат бериш функцияси юклатилган ва Ўзбекистон Республикаси номидан маъмурий ҳамкорликни амалга оширадиган орган. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ёки у томонидан ваколат берилган орган ваколатли орган ҳисобланади, шунингдек экспорт қилувчи/ариза берувчининг ариза-декларацияси асосида сертификат бериш Савдо-саноат палатаси томонидан ҳам амалга оширилади;

ваколатли шахс – ваколатли органнинг сертификатни гувоҳлантириш учун масъул бўлган мансабдор шахси;

ишлаб чиқаришни экспертиза қилиш – эксперт томонидан ариза берувчининг ишлаб чиқариши мазкур Низомда белгиланган тартибда кўздан кечирилиши.

товар – божхона чегарасидан ўтувчи ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан иссиқлик, электр, бошқа энергия турлари ва транспорт воситалари (товар ва йўловчиларни халқаро ташиш хизматларини амалга оширувчи транспорт воситаларидан ташқари);

товар туркуми – битта олувчининг манзилига битта транспорт ҳужжати бўйича келаётган ёки битта почта юк хати билан жўнатилаётган

ёхуд божхона чегараси орқали ўтаётган битта жисмоний шахснинг қўл юкида ва багажида олиб ўтилаётган товар ёки унинг бир қисми;

эксперт – ваколатли органнинг зиммасига экспертиза ўтказиш, экспертиза далолатномасини ёки эксперт хулосаси ва сертификатни расмийлаштириш функцияси юклатилган вакили;

айнан бир хил товар – бир ишлаб чиқарувчи томонидан айнан бир хил технологик жараёнга асосан ишлаб чиқарилган, таркиби, номи (шу жумладан, модели, савдо белгиси, тури бўйича) ва ТИФ ТН кодлари бўйича бир хил тавсифланган, айнан бир ариза берувчи томонидан сертификатлаш учун тақдим этилган товар;

экспорт қилувчи/ариза берувчининг ариза-декларацияси – ушбу Низом 36-бандининг “г” кичик бандида кўрсатиб ўтилган мамлакатлар учун бериладиган умумий шаклдаги келиб чиқиш сертификатини бериш учун асос бўладиган ҳужжат, шу жумладан электрон шаклдаги ҳужжат;

ўз-ўзини сертификатлаш – товар олиб кирилаётган мамлакатда ўрнатилган тартибга мувофиқ, экспорт қилувчининг ҳисоб-варақ фактура ёки товарнинг бошқа кузатув ҳужжатларида товарнинг келиб чиқишини декларация орқали тасдиқлаши.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида, товар олиб кирилаётган мамлакатнинг миллий қоидалари ёки Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида бошқача белгиланмаган бўлса, ушбу бобда кўрсатилган тушунчалар ва уларнинг талқини қўлланилади.

3. Сертификат ваколатли орган томонидан товарнинг келиб чиқиш мамлакатини гувоҳлантириш мақсадида расмийлаштирилади ва товар олиб кириладиган мамлакатнинг қонунчилигига мувофиқ имтиёзлар олиш учун қўлланилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан товарларни олиб чиқиб кетиш вақтида сертификат, башарти унинг зарурлиги тегишли шартномаларда, товар олиб кириладиган мамлакатнинг миллий қоидаларида қайд этилган ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларида назарда тутилган бўлса, шунингдек, экспорт қилувчининг талаби бўйича берилади.

5. Товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш тамойиллари мавжуд халқаро амалиётга асосланади.

6. Товарнинг келиб чиқишини экспертиза қилишни ўтказиш ва сертификат бериш мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш қоидалари

7. Товарлар батамом ишлаб чиқарилган ёки етарли даражада қайта ишланган мамлакат товарнинг келиб чиқиш мамлакати ҳисобланади.

Бир гуруҳ мамлакатлар, мамлакатларнинг божхона иттифоқлари, минтақа ёки башарти, товар ишлаб чиқарилган жойни аниқлаш мақсади ажратиб кўрсатишни тақозо этса, бирор мамлакатнинг муайян қисми товар ишлаб чиқарилган мамлакат деб ҳисобланиши мумкин.

8. Қуйидаги товарлар мазкур мамлакатда батамом ишлаб чиқарилган деб ҳисобланади:

а) унинг ҳудудидан ёки ҳудудий сувларидан ёхуд континенталь шельфидан ва денгиз остидан олинган фойдали қазилмалар, агар мамлакат денгиз остини қазिश учун мутлақ ҳуқуққа эга бўлса;

б) унинг ҳудудида ўстирилган ёки йиғиб олинган ўсимлик маҳсулотлари;

в) мамлакатда туғилган ва парвариш қилинган тирик ҳайвонлар;

г) мамлакатда етиштирилган ўсимлик маҳсулотлари ва ҳайвонлардан олинган маҳсулот;

д) мамлакатда тайёрланган овчилик, балиқчилик ва денгиз ови маҳсулоти;

е) мамлакат кемаларида ёки у ижарага олган (фрахт қилинган) кемаларда жаҳон океанида овланган ва (ёки) тайёрланган денгиз ови маҳсулотлари;

ж) мамлакатдаги ишлаб чиқариш ёки бошқа операцияларнинг натижаси бўлмиш иккиламчи хом ашё ва чиқиндилар;

з) мамлакатга қаршли ёки у ижарага олган космик кемаларда очик космосда олинган юқори технология маҳсулотлари;

и) мамлакатда мазкур банднинг “а” – “з” кичик бандларида кўрсатиб ўтилган маҳсулотлардангина ишлаб чиқарилган товарлар.

9. Агар товарни ишлаб чиқаришда икки ёки ундан ортиқ мамлакат иштирок этаётган бўлса, товарнинг келиб чиқиши унинг “етарли даражада қайта ишланганлиги” мезонига мувофиқ аниқланади.

10. Ушбу мамлакатда товарнинг “етарлича даражада қайта ишланганлиги” мезони қуйидагилардан иборат:

товарни қайта ишлаш натижасида товар позициясининг (товари таснифловчи кодининг) ТИФ ТН бўйича дастлабки тўртта код белгисининг исталган бири даражасида ўзгариши;

адвалор улуш қоидаси – фойдаланилган материаллар қийматининг ёки кўшилган қийматнинг фоизлардаги улуши етказиб берилаётган товар баҳосининг қайд этилган улушига етганда, товар қийматининг ўзгариши.

11. Агар аниқ товар ёки аниқ мамлакатга (мамлакатларга) нисбатан товарнинг келиб чиқиши мезони алоҳида белгиланмаган бўлса, ТИФ ТН бўйича дастлабки тўртта код белгисининг исталган бири даражасида товар позициясининг (товарни таснифловчи кодининг) ўзгариши содир бўлса, товар етарли даражада қайта ишланганлиги тўғрисидаги қоида қўлланилади.

12. Етарли даражада қайта ишланганлик мезони адвалор улуш орқали ифодаланган ҳолатларда, қийматли кўрсаткичлар қуйидагича ҳисобланади:

а) импорт қилинаётган материаллар учун — олиб киришда бож олинадиган (СИФ негизида) қиймат бўйича ёки агар уларнинг келиб чиқиши номаълум бўлган ҳолда, ишлаб чиқариш амалга ошириладиган мамлакат ҳудудида белгиланган биринчи сотув баҳоси бўйича;

б) тайёр товарлар учун — франко- завод баҳоси ёки экспорт баҳоси бўйича.

13. Қуйидагилар “етарли даражада қайта ишланганлик” мезонига жавоб бермайди деб ҳисобланади:

а) сақлаш ёки транспортда ташиш вақтида товарларнинг сақланишини таъминлаш бўйича операциялар;

б) товарларни сотиш ва транспортда ташишга тайёрлаш бўйича операциялар (товар туркумини майдалаш, товарларни жўнатишни ташкил қилиш, саралаш, қайтадан ўраш);

в) оддий йиғув операциялари;

г) товарларни (таркибий қисмларни) аралаштириб ҳосил қилинган маҳсулотга унга дастлабки таркибидан жиддий фарқланадиган хусусиятларни бермаслик;

д) юқорида кўрсатилган операцияларнинг иккитаси ёки ундан ортигини бир вақтда амалга ошириш;

е) чорва молларини сўйиш.

14. Ишлаб чиқариш ёки транспорт шароитларига кўра, товарларни битта туркум қилиб жўнатишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли улар бўлиб-бўлиб ёки йиғилмаган ҳолда етказиб берилса, унинг келиб чиқишини аниқлаш нуқтаи назаридан импортёрнинг хоҳишига кўра, ягона предмет деб қаралиши керак.

Ушбу қоиданинг қўлланиш шарти қуйидагилардан иборат:

Бўлакларга бўлинган ёки йиғилмаган товарнинг бир неча туркумга тақсимланганлигини, бундай тақсимлаш сабабларини, ҳар бир туркумга кирадиган товарларнинг ТИФ ТН бўйича кодлари, қиймати ва уларни ишлаб чиқарган мамлакатни кўрсатган ҳолда ҳар бир туркумнинг батафсил таснифини Ўзбекистон Республикаси божхона органига олдиндан маълум қилиш;

барча туркумдаги товарларнинг битта мамлакатдан битта экспорт қилувчилар орқали етказиб берилиши;

товарларнинг барча туркумларини битта божхона постида расмийлаштириш;

барча туркумдаги товарларнинг шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирмай етказиб берилиши.

15. Товарларнинг келиб чиқишини аниқлашда, уларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган иссиқлик ва электр энергияси, машиналар, ускуна ва асбобларнинг келиб чиқиши инобатга олинмайди.

16. Товарларнинг келиб чиқиш мамлакати “етарли даражада қайта ишланганлик” мезонига мувофиқ аниқланганда, келиб чиқиши номаълум бўлган материаллар хорижий материаллар деб ҳисобланади.

3-боб. Эркин иқтисодий зонани яратиш тўғрисида 1994 йил 15 апрелдаги битим ёки Эркин савдо худуди тўғрисида 2011 йил 18 октябрдаги шартнома иштирокчи-давлатларнинг товарлари учун келиб чиқиш мамлакатини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

17. Товарнинг Эркин иқтисодий зонани яратиш тўғрисида 1994 йил 15 апрелдаги битим ёки Эркин савдо худуди тўғрисида 2011 йил 18 октябрдаги шартнома иштирокчи-давлатининг божхона худудидан келиб чиққанлигини гувоҳлантириш учун Ўзбекистон Республикаси божхона органига битим ёки шартнома иштирокчиси бўлган келиб чиқиш мамлакатининг ваколатли органи томонидан берилган сертификат (СТ-1 шакл) тақдим этилиши лозим.

18. Ўзбекистон Республикаси 1994 йил 15 апрелдаги Эркин иқтисодий зонани яратиш тўғрисидаги битим ёки 2011 йил 18 октябрдаги Эркин савдо худуди тўғрисидаги шартнома иштирокчи-давлатлари билан савдода Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ҳукуматлари раҳбарлари Кенгашининг 1993 йил 24 сентябрдаги қарори билан, кейинчалик киритилган ўзгартиришлар билан бирга тасдиқланган Товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш қоидаларини қўллайди.

19. Товар, агар у мазкур Низомнинг II бўлимида белгиланган келиб чиқиш мезонларига мувофиқ бўлса, 1994 йил 15 апрелдаги Эркин иқтисодий зонани яратиш тўғрисидаги битим ёки 2011 йил 18 октябрдаги Эркин савдо худуди тўғрисидаги шартнома иштирокчи-давлатларидан бирортасининг резиденти томонидан экспорт қилинаётган бўлса ва битим ёки шартноманинг бошқа иштирокчи давлати божхона худудидан ушбу битим ёки шартноманинг иштирокчи-давлати резиденти томонидан олиб кирилатган бўлса, Эркин иқтисодий зонани яратиш тўғрисидаги битим ёки Эркин савдо худуди тўғрисидаги шартнома иштирокчи-давлатининг божхона худудидан келиб чиққан деб ҳисобланади. Бунда резидент деганда, ушбу давлат

худудида тузилган ташкилот ёки ушбу давлат худудида доимий яшовчи жисмоний шахс тушунилади.

20. Товарларни МДХ давлатларига экспорт қилишда “етарлича даражада қайта ишланганлиги” мезонини қўллаш учун кумуляция тамойилидан фойдаланиш мумкин, яъни товарларни МДХ давлатларида бирин-кетинликда қайта ишлашда, ушбу давлатлар келиб чиқишни аниқлаш мақсадлари учун яхлит худуд сифатида кўрилади.

21. 1993 йил 24 сентябрдаги Товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш Қоидалари кучга киргунга қадар Шартнома иштирокчи давлатлари худудларида ишлаб чиқарилган ва уларнинг божхона худудига олиб кирилган (жойлаштирилган), Шартнома иштирокчи давлатлар ичида товарларни олиб ўтишда СТ-1 шаклидаги сертификат берилиши мумкин ва сертификатнинг 5-устунига “Товар (мамлакатнинг ҳозирги номи, ишлаб чиқарувчининг номи ва ишлаб чиқарилган йили кўрсатилади) ишлаб чиқарилган” ёзуви киритилади. Бунда 12-устунда товар ишлаб чиқарилган давлатнинг ҳозирги номи кўрсатилади. Товар ишлаб чиқарувчиси (унинг номи, манзили ва товар ишлаб чиқарилган йили) тўғрисидаги ҳужжатлар тақдим қилинганда, ҳар қандай шартнома иштирокчи давлатлари томонидан сертификат берилиши мумкин.

4-боб. Ўзбекистон Республикасидан экспорт (резэкспорт) қилинаётган товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш бўйича экспертиза ўтказиш тартиби

22. Товарнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш мақсадида экспертиза ўтказиш ва сертификат олиш учун ариза берувчи товарни юклаш амалга оширилаётган жойдаги ваколатли органга мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда ёзма ариза тақдим этади.

Аризага ариза берувчининг имзоси билан тасдиқланган қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

экспорт қилинаётган товарга ҳисобварақ-фактура (инвойс);

экспорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё ва бутловчи қисмларни сотиб олиш бўйича шартнома ва ҳисобварақ-фактуралар ёки бошқа ҳужжатлар;

экспорт қилинаётган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган хомашё ва бутловчи қисмларнинг Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (зарур ҳолларда);

Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқарилган товарларнинг сотиб олганлигини тасдиқловчи шартнома ва ҳисобварақ-фактура ёки бошқа ҳужжатлар (экспорт қилинаётган товарнинг ишлаб чиқарувчиси бўлиб ҳисобланмайдиган ариза берувчи мурожаат этган ҳолларда);

экспорт қилинаётган товарларни ишлаб чиқариш технологик жараёнининг асосий операцияларини ўз ичига олган ишлаб чиқариш технологик жараёнининг тавсифи, ўзининг ёки ижарага олинган ишлаб чиқариш объектлари ва ускуналарнинг мавжудлиги ҳақида маълумот.

Ишлаб чиқарилишида импорт қилинган қисмлар, хомашё материаллари, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлатилган товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш бўйича мурожаат қилинган ҳолда, юқорида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча тарзда қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари тақдим этилади:

Ўзбекистон Республикасига хомашё ёки қисмларни олиб киришдаги юк божхона декларациялари;

товар бирлигининг фойдаланилган импорт хомашё ва материалларнинг қиймати ажратилган ҳолда нархининг ҳисоби (товарларнинг келиб чиқишини адвалор улуш қондаси бўйича аниқлаш зарурати бўлган ҳолларда);

экспорт қилинаётган товарни ишлаб чиқаришда фойдаланилган импорт хомашёларнинг ТИФ ТН бўйича тасниф коди ҳақида маълумот (Ўзбекистон Республикасига хомашё ёки қисмларни олиб киришдаги юк божхона декларациялари тақдим қилиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда).

ишлаб чиқаришда фойдаланилган хомашё ва қисмларнинг келиб чиқиш тўғрисидаги сертификати (товарнинг келиб чиқиши кумулятив метод асосида аниқланган ҳолларда).

23. Реекспорт қилинаётган товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни олиш учун мурожаат қилинганда қуйидагилар тақдим қилиниши керак:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатнинг асл нусхаси;

товарнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига келиб тушганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

экспорт шартномаси ёки товарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан реекспорт қилинаётганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат нусхаси.

24. Ўзбекистон Республикасида етиштирилиб экспорт қилинаётган кишлоқ хўжалик маҳсулотларига сертификат олиш бўйича мурожаат қилинганда, аризага ариза берувчининг имзоси билан тасдиқланган қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

экспорт қилинаётган товарга ҳисобварақ-фактура (инвойс);

экспорт қилинаётган товарнинг келиб чиқишини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (экспорт қилувчининг ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида

етиштирилиб экспорт қилинаётган товарнинг сотиб олинганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар).

Сертификат олиш учун мурожаат қилинган куни мазкур бандда кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш имконияти бўлмаганда, ариза берувчи томонидан экспорт қилинаётган маҳсулотнинг номи, ҳажми, тайёрловчиси ва етиштирилган ҳудуди ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олувчи хат тақдим этишга рухсат этилади. Бунда халқаро меъёрларга мувофиқ товар олиб кириладиган мамлакатнинг божхона ёки бошқа ваколатли органлари томонидан сўровнома келганда, ариза берувчи мазкур бандда кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

25. Мазкур Низом 36-бандининг “г” кичик бандига асосан экспорт қилинаётган маҳсулотга сертификат олиш учун экспорт қилувчи ушбу Низомнинг 2а-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилган ариза-декларацияни тақдим этиши мумкин. Ариза-декларация ёзма ёки электрон шаклда ҳамда ариза берувчининг имзоси билан тасдиқланган ҳолда тақдим қилинади.

26. 22 -25 -бандларда кўрсатилган ҳужжатлар ариза берувчи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда ахборот тизими орқали тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар ариза топшириш санасида республикада фаолият юритаётган фойдаланувчиларни идентификациялаш (аниқлаш) ягона ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тақдим этилади ёки ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Ариза берувчи сертификат олиш учун аризага ваколатли органни хабардор қилиш зарур деб ҳисоблайдиган қўшимча маълумот ва ҳужжатларни илова қилиши мумкин.

Тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган ҳужжатлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

27. Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш бўйича экспертиза ўтказиш ва экспертиза далолатномасини тузиш, ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ариза топширилган санадан бошлаб бир иш куни мобайнида амалга оширилади.

Илгари айнан бир хил товар учун сертификат олган ариза берувчи мурожаат қилган тақдирда, товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаш ариза топширилган вақтдан бошлаб бир иш куни мобайнида амалга оширилади, бунда ариза берувчи аризасида сертификатланаётган маҳсулот номи ва миқдоридан сўнг айнан илгари берилган сертификатнинг рақамини кўрсатади.

Мева-сабзавот маҳсулотларига сертификат олиш бўйича ариза берувчи томонидан мурожаат қилинганда, товарларнинг келиб чиқишини

сертификатлаш ариза топширилган вақтдан бошлаб бир иш куни мобайнида амалга оширилади.

ТИФ ТН кодлари бўйича 84-89 гуруҳларда тавсифланадиган ёки йирик ассортиментлардаги (3 тадан ортиқ ишлаб чиқарувчи ва/ёки 30 турдан ортиқ) товарларни келиб чиқишини сертификатлашда экспертиза қилиш, шунингдек экспертиза далолатномасини тузиш 2 иш кунигача узайтирилиши мумкин

28. Ишлаб чиқаришни экспертиза қилиш экспорт қилинаётган товарни ишлаб чиқариш (тайёрлаш) жараёнини ўрганишдан ва товарнинг Ўзбекистон Республикасидан келиб чиқишини тасдиқлаш учун экспертиза буюртмачиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилишдан бошланади. Эксперт қуйидагилар билан танишиб чиқиши ва ўрганиши керак:

Мазкур Низомнинг 22, 24, 25 - бандида кўрсатилган ҳужжатларни;

экспорт қилинаётган товарни ишлаб чиқарувчиси бўлиб ҳисобланмайдиган ариза берувчи мурожаат этган ҳолларда, экспорт қилинаётган товар туркумининг мавжудлигини текширади;

экспорт қилинаётган товарни ишлаб чиқарувчиси бўлган ариза берувчи мурожаат этган ҳолларда, экспорт қилинаётган товарни ишлаб чиқариш учун объектив шароитларни текширади.

Иш жараёнида эксперт экспорт қилинаётган товар келиб чиқиш мезонларидан қайси бирига: маҳсулотнинг батамом ишлаб чиқарилганлиги ёки маҳсулотнинг етарлича қайта ишланганлигига мос келишини аниқлаши керак.

Башарти экспертиза натижасида товарнинг Ўзбекистон Республикасидан келиб чиқиши тасдиқланса ва келиб чиқиш мезони аниқланса, мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда экспертиза далолатномаси тузилади.

29. Экспертиза далолатномаси экспорт қилинаётган товарнинг шартномада кўрсатилган барча миқдорига ёки (экспорт қилувчининг ихтиёрига кўра) товар туркумига расмийлаштирилади.

30. Далолатнома эксперт томонидан аниқ, қисқартиришларсиз (умумий қабул қилинганлардан ташқари) ва бўялишларсиз расмийлаштирилган бўлиши керак. Тузатишларга эксперт томонидан изоҳ берилиши ва унинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

31. Экспертиза далолатномасида тақдим этилган ҳужжатлар тўғрисидаги барча маълумотлар, текшириш натижалари кўрсатилган бўлиши ва товарнинг келиб чиқишини аниқлашнинг аниқ асоси келтирилиши керак.

32. Экспертиза далолатномаси бир нусхада расмийлаштирилиб, ваколатли органда сақланади.

33. Ариза берувчи томонидан товарнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш мақсадида экспертиза ўтказиш ва экспертиза далолатномаси олиш

(сертификат расмийлаштирилмасдан) учун мурожаат қилинган ҳолларда, ариза берувчи товар ишлаб чиқарилган ҳудуддаги ваколатли органга мазкур Низомнинг 22 - бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим қилади. Ушбу ҳолатда, ариза берувчи томонидан сертификат олиш учун товар ортилаётган ҳудуд ваколатли органига ўзи томонидан тасдиқланган экспертиза далолатномасининг нусхаси берилади. Бундай экспертиза далолатномаси 12 ой амал қилиш муддати билан берилади. Товарни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида (шу жумладан товарнинг таркибий қисмида), экспорт қилинаётган товарни ишлаб чиқаришда фойдаланилган хом-ашё ва материалларнинг келиб чиқишида ёки товар экспорт қилинаётган мамлакат ўзгарган тақдирда, ариза берувчи янги экспертиза далолатномаси олиш учун экспертиза далолатномаси берган ваколатли органга мазкур Низомнинг 22 –бандида қайд этилган зарур ҳужжатлардаги тегишли ўзгаришлари билан мурожаат қилиши лозим.

34. Агар экспертиза натижасида товарнинг Ўзбекистон Республикасида “етарли даражада қайта ишланганлик” мезонига риоя қилинмаганлиги аниқланса ёки товар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлаш имкони бўлмаса, экспорт қилувчига тақдим этилган товар Ўзбекистон Республикасидан келиб чиққан товар сифатида таснифлана олмаслиги тўғрисида, сабаблари кўрсатилган ҳолда, мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда эксперт хулосаси берилади.

35. Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш жараёнида келиб чиқиш мамлақати тўғрисидаги дастлабки қарор давлат божхона хизмати томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш жараёнида товар келиб чиқиш мамлақати тўғрисидаги дастлабки қарорни бериш тартиби ва шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

5-боб. Сертификатни расмийлаштириш

36. Экспертиза далолатномаси (“а”-“в” кичик бандлар) ёки ариза-декларация (“г” кичик банд) асосида сертификат, экспорт қилинаётган товарнинг шартномада кўрсатилган барча миқдорига ёки товар туркумига (экспорт қилувчининг ихтиёрига кўра) қуйидаги шаклларда расмийлаштирилади:

а) Бош преференциялар тизимига мувофиқ преференциялар тақдим этувчи хорижий давлатларга экспорт қилинаётган товарларга – А шаклида;

б) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларига – СТ-1 шаклида;

в) Ўзбекистон Республикаси билан шартномалар тузган давлатларга шартномаларда белгиланган шаклларда ёки мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда рус ёки инглиз тилларида;

г) ушбу банднинг “а”-”в” кичик бандларида кўрсатилмаган мамлакатларга ва товар келиб чиқиш мамлакатини тасдиқлаш шартнома (битим) шартларида ёки бундай давлатларнинг миллий қоидаларида зарурлиги назарда тутилган бўлса, мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда рус ёки инглиз тилларида.

Экспорт қилувчининг ихтиёрига кўра, сертификат алоҳида транспортда ташилаётган товар бирликларига берилиши мумкин.

Экспертиза далолатномаси ёки ариза-декларация асосида сертификатни расмийлаштириш бир иш куни мобайнида амалга оширилади.

37. Экспорт қилинаётган товар ишлаб чиқарилган ҳудуддан бошқа ҳудудда товарларнинг келиб чиқиш сертификатини олиш учун мурожаат қилинганда, аризага мазкур товар ишлаб чиқарилган ҳудуддаги ваколатли орган томонидан берилган экспертиза далолатномасининг ариза берувчи томонидан тасдиқланган нусхаси ва экспорт қилинаётган товарга ҳисобварақ-фактура (инвойс) илова қилинади.

38. Қоидага кўра, товарга берилган сертификат, шу товар тўғрисида қуйидаги зарур маълумотларни (ариза берувчи тақдим қилган маълумотлар асосида) ўз ичига олиши керак:

- а) экспорт қилувчининг номи ва манзили;
- б) импорт қилувчининг номи ва манзили;
- в) транспортда ташиш воситалари ва ҳаракатланиш маршрути (қанчалик аниқлигига қараб);

г) ўринлар сони ва ўраб-жойлаш тури, товарни идентификациялаш учун зарур бўлган барча маълумотларни ўз ичига олувчи товарнинг баёни;

д) брутто ва соф оғирлиги (ушбу кўрсаткичлар бошқалар билан, масалан, товар бирликлари сони ёки ҳажми кабилар билан алмаштирилиши мумкин, башарти товарни транспортда ташишда унинг вазни сезиларли даражада ўзгарса ёки бу бирликлар товарнинг ушбу турига стандарт қўлланилса);

- е) ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва санаси.

39. Сертификат ваколатли шахс томонидан имзоланади ва ваколатли органнинг муҳри билан тасдиқланади. Сертификатнинг гувоҳлантириш жойи (шаҳри) ва санаси, шунингдек, ваколатли органнинг номи ва тўлиқ манзили кўрсатилади.

40. Сертификатларни тасдиқлаш мажбурияти юклатиладиган шахслар имзоларининг намуналари ва ваколатли орган муҳрларининг босма нусхалари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасига, шунингдек, бошқа давлатларнинг ваколатли органларига юборилади.

41. Сертификат бир нечта нусхада, битта асл нусха ва қолган нусхалари “копия” (“нусха”) белгиси билан тузилади.

Ариза берувчининг мурожаатига кўра сертификатнинг “банкка тақдим этиш учун” белгиси қўйилган иккинчи асл нусхаси берилиши мумкин.

42. Ҳар бир сертификат уни идентификациялаш мумкин бўлган одатий тартиб рақамига эга бўлиши керак.

43. Ариза берувчининг илтимосига кўра сертификатни товар жўнатилганидан сўнг божхона расмийлаштируви амалга оширилгандан бир йилдан кечиктирмасдан гувоҳлантиришга рухсат этилади. Бу ҳолда, мазкур Низомнинг 22, 24-бандида санаб ўтилган ҳужжатларга ариза берувчи томонидан қўшимча равишда божхона органларининг товарнинг жўнатилганлигини тасдиқловчи белгиси қўйилган товарнинг кузатув ҳужжатлари ва юк божхона декларацияси тақдим этилади. Бундай ҳолларда сертификатнинг “Хизмат белгилари учун” устунларида “Кейинчалик берилган” ёзуви бўлиши керак.

44. Сертификат йўқолган ёки бузилган ҳолларда ариза берувчи аввал берилган сертификат расмийлаштирилган кундан бошлаб бир йил давомида аввал тақдим этилган ҳужжатлар асосида гувоҳлантириладиган дубликат олиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундай сертификатнинг дубликати, сертификат асл нусхасининг расмийлаштирилган санаси ва рақами кўрсатилган ҳолда, “дубликат” ёзувига эга бўлиши керак. Бунда дубликатга аввал берилган сертификат асл нусхасининг рўйхатга олиш рақами ва дубликат расмийлаштирилган куннинг санаси қўйилади.

45. Аввал берилган сертификатни қайта расмийлаштириш зарурати туғилганда, ариза берувчи асослантилган ёзма мурожаат асосида аввал берилган сертификат расмийлаштирилган кундан бошлаб бир йил давомида янги сертификат олиш ҳуқуқига эга. Бунда “Хизмат белгилари учун” устунларига аввал берилган сертификатнинг рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда, “Сертификат ўрнига берилган” ёзуви киритилади. Аввал берилган сертификатнинг ўрнига берилган сертификатга янги рўйхатга олиш рақами ва янги сертификат расмийлаштирилган куннинг санаси қўйилади.

46. Агар сертификатнинг ҳақиқийлигига ёки ундаги экспорт қилинаётган маҳсулотга тегишли бўлган маълумотларнинг аниқлигига шубҳа туғилиши муносабати билан, Европа Иттифоқининг, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бошқа мамлакатларнинг органлари Ўзбекистон Республикасида расмийлаштирилган сертификатни текшириш учун қайтарса ёки расмий талаб йўлласа, ваколатли орган сертификатлаш ва сертификатларни тасдиқлашнинг белгиланган тартибига риоя қилинганлигини текшириш бўйича чоралар кўради, зарур бўлганда мазкур товарнинг экспорт қилувчилари – ташкилотлар жалб этилади.

Бундай текширув натижалари бўйича импортёр-мамлакатнинг сўровнома юборган органига ахборот юборилади.

47. Катта туркумларда бўлмаган (фактура қиймати 5000 АҚШ долларигача бўлган, Европа Иттифоқи мамлакатлари учун 6000 еврогача

бўлган) товарларнинг келиб чиқишини гувоҳлантиришда, экспорт қилувчилар товарнинг келиб чиқиш мамлакатини ҳисобварақ-фактурада ёки товарнинг кузатув ҳужжатларида, агарда мазкур товарлар туркуми битта шартнома доирасида етказиб берилаётган товарлар туркумининг бир қисми бўлмаса декларациялаши мумкин.

6-боб. Товарларнинг келиб чиқишида ўз-ўзини сертификатлаш тартиби (REX тизимида экспорт қилувчиларни рўйхатга олиш)

48. Европа Иттифоқи давлатларига товарлар экспорт қилинган ҳолда, Европа Иттифоқи Бош преференциялар тизимининг келиб чиқиши талабларига жавоб берадиган, умумий қиймати 6000 евродан ошадиган товарларнинг келиб чиқишини декларациялаш орқали тасдиқлаш учун, экспорт қилувчи Европа Иттифоқининг Экспорт қилувчиларни рўйхатдан ўтказиш тизимида (REX) рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ЕИ регламентларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлиши шарт.

Бу ҳолда, рўйхатдан ўтказиш учун маъсул органлар (кейинги ўринларда рўйхатдан ўтказувчи орган деб аталади) ваколатли орган томондан аниқланади.

Экспорт қилувчилар рўйхатдан ўтиш учун керакли бўлган маълумотларни рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим қилади. Рўйхатдан ўтказиш экспорт қилувчининг аризаси ва экспорт қилинаётган товарнинг ЕИ регламентлари талабларига мувофиқлиги ҳақидаги экспертиза далолатномаси асосида, ўз тижорий фаолияти, манзили, ишлаб чиқарадиган ва(ёки) экспорт қилаётган маҳсулоти ТИФ ТН кодлари ва бошқа маълумотларни илова қилган ҳолда (қоғоз кўринишида ёки электрон равишда) тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказилган экспорт қилувчиларга REX-тизимининг индивидуал рақами берилади, бунда ушбу экспорт қилувчи ва товарларга бириктирилган REX-тизимининг индивидуал рақамини ҳисобварақ-фактурада ёки товарнинг бошқа кузатув ҳужжатларида кўрсатиб декларациялаш асосида Европа Иттифоқи божхона органлари томонидан преференциялар берилиши мумкин.

49. Экспорт қилувчи экспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқишини аниқлашга асос бўлган ҳужжатларни, экспорт қилинган йилнинг тугашидан бошлаб уч йил муддатгача сақлаши лозим.

Маъмурий ҳамкорлик мақсадида экспорт қилувчи ҳар чоракда рўйхатдан ўтказувчи органга товарларнинг келиб чиқиши ҳақидаги декларацияни ўз ичига олган инвойснинг сканер нусхасини тақдим этади.

Экспорт қилувчининг регламент талабларига риоя этаётганлиги, жумладан келиб чиқиш тўғрисидаги декларациянинг ишончилигини аниқлаш йилига камида бир маротаба рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан экспертиза ўтказиб, экспертиза далолатномаси тузиш орқали амалга оширилади.

50. ЕИнинг Солиқ ва божхона ишлари Бош директорати томонидан декларацияда кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш тўғрисида сўровнома жўнатилган тақдирда, экспорт қилувчи ваколатли ёки рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан хабардор қилингандан сўнг 3 кун муддатда ваколатли орган/рўйхатдан ўтказувчи органга ишлаб чиқариш ва товарнинг келиб чиқишини аниқлашга асос булган ҳужжатлар билан танишиш учун шароит яратиб бериши лозим.

51. Сўровномани кўриб чиқиш ва жавобини йўллаш ваколатли орган томонидан, экспорт қилувчи барча ҳужжатларни тақдим қилган кундан бошлаб 10 иш кунидан ошмайдиган муддатда амалга оширилади.

52. Келиб чиқиш мамлакатини аниқлашнинг тўғрилиги ва ҳисобварақ-фактура ёки товарнинг бошқа кузатув ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган товарнинг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотларнинг ишончилиги учун маъсулият экспорт қилувчининг зиммасига юклатилади.

7-боб. Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаш учун тўлов тўлаш

53. Экспертизани ўтказиш ва сертификатни расмийлаштириш харажатларини ариза берувчи тўлайди.

54. Келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш бўйича экспертиза ўтказиш ва товарнинг келиб чиқиш сертификатини расмийлаштириш, шунингдек эксперт хулосаси расмийлаштирилган ҳолларда ариза берувчи томонидан ваколатли органга мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ миқдорда ҳақ тўланади.

8-боб. Яқунловчи қондалар

55. Эксперт ишлаб чиқаришни экспертиза қилиш жараёнида мазкур ташкилотда амал қилувчи техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши шарт.

56. Қонунчиликка мувофиқ эксперт, экспертизанинг холислиги, сифати ва ўз вақтида ўтказилишига ҳамда экспертиза далолатномаси, эксперт хулосаси ва сертификатнинг лозим даражада расмийлаштирилиши учун жавоб беради.

57. Товарнинг келиб чиқишини сертификатлаш учун тақдим этилган маълумотларнинг ишончилиги учун ариза берувчи жавобгардир.

58. Товарнинг Ўзбекистон Республикасидан келиб чиқиши тўғрисидаги эксперт хулосасини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари экспертиза далолатномаси билан бирга архивда уч йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланади.

59. Ваколатли орган ўзи томонидан берилган сертификатларнинг маълумотлар базасини ўз ичига олган товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаш электрон тизимини яратади ва юритади.

Товарларнинг келиб чиқиш сертификатларининг маълумотлар базаси товар олиб кириладиган мамлакат божхона органлари томонидан сертификатни берилиши ва унинг тўғри тўлдирилиши, божхона декларациясида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини текширишни он-лайн режимда (он-лайн текширув) амалга ошириш мақсадида олиб борилади.

Электрон сертификатлаштириш тизимида киритилган сертификатнинг электрон шаклидаги мавжуд маълумотлар таркиби ариза берувчига берилган қоғоз кўринишидаги сертификат асл нусхасидаги маълумотлар билан бир хил бўлиши ва миллий қонунчилик ҳамда халқаро стандартларда кўзда тутилган сертификатни тўлдириш тартиб ва талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Сертификатнинг электрон шакли ваколатли орган томонидан сертификатнинг асл нусхаси гувоҳлантирилгандан кундан кейинги кундан кечиктирмай электрон сертификатлаштириш тизимида киритилади.

Эксперт ва сертификатни гувоҳлантириш учун масъул ваколатли шахс сертификатнинг тўғри ва ўз вақтида электрон тизимга киритилиши учун жавоб беради.

Товарни келиб чиқишини экспертиза қилишни ўтказиш ва сертификат бериш схемаси

Боскичлар	Субъект	Ҳаракат	Муддати
1-боскич	Ариза берувчи – экспорт килувчи (корхона)	Ёзма ёки электрон кўринишда тегишли ҳужжатларини илова қилган ҳолда ариза топшириш	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-боскич	Ваколатли орган	1. Такдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ва ишлаб чиқариш/товар сақланаётган жойга бориб экспертиза ўтказиш. 2. Экспертиза далолатномаси тузиш (расмийлаштириш) (экспертиза натижаси салбий бўлган ҳолларда эксперт хулосаси расмийлаштириш).	Бир иш куни давомида (ТИФ ТН кодлари бўйича 84-89 гуруҳларда тавсифланадиган товарларни сертификатлашда - икки иш кунигача)
3-боскич	Ваколатли орган	1. Товарнинг келиб чиқиш сертификатини тузиш ва расмийлаштириш (экспертиза далолатномаси асосида) 2. Сертификатни электрон маълумотлар базасига киритиш	Бир иш куни давомида
4-боскич	Ариза берувчи – экспорт килувчи (корхона)	Сертификатни олиш	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
5-боскич	Ариза берувчи – экспорт килувчи (корхона)	Аввал берилган сертификатни қайта расмийлаштириш учун ваколатли органга мурожаат қилиш зарурати туғилганда	Аввал берилган сертификат расмийлаштирилган кундан бошлаб бир йил давомида
6-боскич	Ваколатли орган	Қайта расмийлаштириш ва сертификат бериш	Бир иш куни давомида

Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

АРИЗА

(товарларнинг келиб чиққанлиги тўғрисидаги сертификат/экспертиза
далолатномасини олиш учун)

Экспорт қилувчи _____
_____ билан _____ санада тузилган
_____ -сонли шартнома асосида товар(лар)нинг келиб чиқиш мамлакатини
аниқлаш бўйича экспертиза ўтказиш ва товар(лар)нинг келиб чиққанлиги
тўғрисидаги сертификат ёки экспертиза далолатномасини расмийлаштириш
учун эксперт ажратишингизни сўрайди.

Товар(лар)нинг номи _____
Ҳажми _____ оғирлиги _____
кг/м

Ишлаб чиқарувчи (тайёрловчи) _____
Юк жўнатувчи _____

Юк қабул қилувчи (сотиб олувчи) ва унинг манзили* _____

Юк жўнатиш тури* _____

Жўнатилиш станцияси* _____

Қабул қилиш станцияси* _____

Сертификатлар сони* _____

ТИФ ТН коди _____

Тўловни қафолатлаймиз, бизнинг реквизитлар: _____

Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низом талаблари билан таништирилдим.

Ариза берувчи _____
(лавозими) (имзо) (Ф.И.Ш.)

Изоҳ: экспертиза далолатномаси олиш учун ариза топширилганда*
билан белгиланган бандлар тўлдирилмайди.

Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2а-илова

АРИЗА-ДЕКЛАРАЦИЯ

(умумий шаклда товарларнинг келиб чиқиш тўғрисидаги
сертификатни бериш учун)

Ариза берувчи _____
_____ билан _____ санада тузилган _____-сонли шартнома асосида
умумий шаклдаги товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни расмийлаштириш
учун, эксперт ажратишингизни сўрайди.

Тўловни кафолатлаймиз. Бизнинг реквизитлар _____

1. Тузилган сана: _____

2. Тузилган жойи: _____

3. Декларация ариза берувчининг вакили: _____

_____ томонидан тузилди.

(корхона номи, Ф.И.О. паспорт рақами, лавозими)

4. Экспорт қилувчи (юк жўнатувчи): _____

5. Ишлаб чиқарувчи (тайёрловчи): _____

6. Сотиб олувчи (юк қабул қилувчи): _____

7. Ҳисобварақ-фактура (инвойс): _____

8. Юк жўнатиш тури ва санаси: _____

9. Жўнатилиш ва қабул қилиш станцияси: _____

10. Товар номи, ТИФ ТН коди, миқдори (товар турлари кўп бўлганда, товар номини ушбу декларациянинг алоҳида қўшимча варақларида кўрсатишга рухсат этилади):

11. Ишлаб чиқариш ҳақида маълумотлар (*қисқача ишлаб чиқариш технологик жараёни, ишлаб чиқариш ускуналари, биналари ҳақида маълумотлар ва ҳ.*): _____

12. Ишлатилган хомашё, ярим тайёр маҳсулот, материаллар рўйхати, уларнинг олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар) _____

(хомашё номи, шартномалар, ҳисоб-варақ фактуралар, ТИФ ТН кодларини кўрсатган ҳолда юк-божхона декларациялари)

13. Товардаги таркибда импорт хом-ашё ва материалларнинг улуши (франко завод нархи бўйича):

Хулоса қисми: Ушбу билан, юқоридаги маълумотлар тўғрилиги ва 10-бандда кўрсатилган товарлар ҳақиқатда Ўзбекистон Республикасидан келиб чиққанлиги декларацияланади. Тақдим қилинган барча маълумотлар учун жавобгарлик маъсулиятини оламиз ва кейинчалик биз экспорт қилган товар бўйича товар олиб кириладиган мамлакат ваколатли органлари томонидан бизга ушбу ариза-декларациядаги маълумотлар асосида берилган сертификат доирасида нотўғри ёки ишончсиз маълумотлар аниқланган тақдирда товарнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш бўйича барча зарур маълумот ва ҳужжатларни тақдим қилишни ўз зиммамизга оламиз.

Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари билан таништирилдим.

Ариза берувчи _____
вакили (мансаби) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

15. Келиб чиқиш мезони: “ _____ ”

(Эксперт томонидан тўлдирилади)

_____ (Ф.И.О., имзо)

Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни

Ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INVESTITSİYALAR VA TASHQI SAVDO VAZIRLIGI YOKI
yoki UNING TOMONIDAN VAKOLAT BERILGAN ORGAN
МИНИСТЕРСТВО ИНВЕСТИЦИИ И ВНЕШНЕЙ ТОРГОВЛИ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН ИЛИ ДЕЛЕГИРУЕМЫЙ ИМ ОРГАН
(ваколатли орган манзили)

ЭКСПЕРТИЗА ДАЛОЛАТНОМАСИ _____-сон

1. Тузилган сана: _____
2. Тузилган жойи: _____
3. Далолатнома тузувчи эксперт: _____
4. Экспертиза: _____
(корхона номи, корхона раҳбари (вакили) фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ иштирокида ўтказилди.

5. Экспорт қилувчи: _____
6. Ишлаб чиқарувчи: _____
7. Сотиб олувчи: _____
8. Товар номи, миқдори: _____

9. Экспертиза мақсади – товарнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш: _____
10. Тақдим этилган ҳужжатлар (хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ҳақида маълумотлар ва уларнинг олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар): _____

_____ (номи, таркиби, артикул)

11. Экспертиза натижасида аниқланди: _____

Эксперт: _____
(имзо)

вакил: _____
(имзо)

13. Эксперт хулосаси: юқорида кўрсатилганлар асосида маҳсулотнинг ҳақиқатдан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилганлиги тасдиқланади.

ТИФ ТН бўйича маҳсулот коди: _____

Келиб чиқиш мезони: _____

Экспертиза бошланиши: _____
(сана)

Экспертиза _____ якуни:
(сана)

Эксперт: _____
(имзо)

М.Ў.

Далолатнома 20__ йил “__” _____ да рўйхатга олинди.

Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INVESTITSİYALAR VA TASHQI SAVDO VAZIRLIGI
yoki UNING TOMONIDAN VAKOLAT BERILGAN ORGAN

МИНИСТЕРСТВО ИНВЕСТИЦИЙ И ВНЕШНЕЙ ТОРГОВЛИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
или ДЕЛЕГИРУЕМЫЙ ИМ ОРГАН
(ваколатли орган манзили)

20__ йил “__” _____ даги __ - _____ -сонли

ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИ

1. Экспертиза буюртмачиси: _____
2. Эксперт: _____
3. Экспертиза мақсади: _____
4. Тақдим этилган ҳужжатлар (хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ҳақида маълумотлар ва уларнинг олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар): _____

5. Экспертиза (ўрганиш) натижаси: _____
- _____
- _____
- _____
- _____
- _____
- _____
- _____
- _____
- _____

Эксперт: _____
(имзо)

М.Ў.

Таркибий бўлинма бошлиғи томонидан рўйхатга олинди: _____
(имзо)

Мухрсиз ҳақиқий эмас.

Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

1. Отправитель/Экспортер (наименование и почтовый адрес) Consignor/Exporter (name and postal address)		4. № _____ СЕРТИФИКАТ ПРОИСХОЖДЕНИЯ ТОВАРА (общая форма) Выдан в Республике Узбекистан			
2. Получатель/Импортер (наименование и почтовый адрес) Consignee/Importer (name and postal address)		CERTIFICATE OF ORIGIN Issued in REPUBLIC OF UZBEKISTAN			
3. Средства транспорта и маршрут следования (насколько это известно) Means of transport and route (as far as know)		5. Для служебных отметок Remarks			
6. №	7. Маркировка и номера упаковок Marks & No PKGS	8. Количество мест и вид упаковки, описание товара Number and kind of packages; description of goods	9. Критерии происхождения Origin criterion	10. Вес брутто/нетто (кг) Gross/net weight quantity	11. Номер и дата счета-фактуры Number and date of invoices
12. Удостоверение Настоящим удостоверяется, что декларация заявителя соответствует действительности It is hereby certified, that the declaration by the exporter is correct			13. Декларация заявителя Нижеподписавшийся заявляет, что вышеприведенные сведения соответствуют действительности и все товары имеют происхождение в The undersigned hereby declares that the above details and statements are correct; that all the goods were originate in the Экспортируется в Exported to		
Signature Подпись	Date Дата	Stamp Печать	Signature Подпись	Date Дата	Stamp Печать

**Ваколатли орган томонидан товарларнинг келиб чиқишини аниқлаш
бўйича экспертиза ўтказиш хизмати бўйича нархлар**

Хизмат номи	бирлик	Ариза берувчи мурожаат қилган кундаги БҲМ (ҚҚС ни ҳисобга олмаганда)
ТИФ ТН коди бўйича 84-89 гуруҳига мансуб бўлмаган товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш ва сертификат расмийлаштириш	1 сертификат	0,8
ТИФ ТН коди бўйича 84-89 гуруҳига мансуб товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш ва сертификат расмийлаштириш	1 сертификат	1,3
Сертификат расмийлаштирмасдан экспертиза далолатномаси/эксперт хулосаси тузиш ва расмийлаштириш	1 экспертиза далолатномаси/ эксперт хулосаси	0,5
Экспертиза далолатномаси ёки экспорт қилувчининг ариза-декларацияси асосида сертификат расмийлаштириш, аввал берилган сертификатни қайта расмийлаштириш, резспорт қилинаётган товарга сертификат/эксперт хулосаси расмийлаштириш	1 сертификат	0,5
Аввал берилган сертификатга дубликат расмийлаштириш, сертификатнинг қўшимча варағи, алоҳида транспортда ташилаётган товар бирликларига берилган сертификат	1 сертификат	0,3
Экспорт қилинаётган товарнинг шартномада кўрсатилган барча миқдори бўйича келиб чиқиши мамлакатини аниқлаш ва сертификат расмийлаштириш	1 сертификат	1,9
Банкка тақдим қилиш учун сертификатнинг асл нусхаси	1 сертификат	0,2
Аввал берилган сертификатни қайта расмийлаштираётганда унинг қўшимча варағини расмийлаштириш	1 сертификат	
Аввал берилган сертификатни қайта расмийлаштираётганда алоҳида транспортда ташилаётган товар бирликларига сертификат расмийлаштириш	1 сертификат	
Сертификатнинг қўшимча варағига дубликат расмийлаштириш	1 сертификат	

